Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 2 No. 2 (2026) · “Milliy statistika tizimida yangi bosqich: barqaror rivojlanish maqsadlari, xalqar... DOI: 10.5281/zenodo.24320171

“MILLIY STATISTIKA TIZIMIDA YANGI BOSQICH: BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARI, XALQARO STANDARTLAR VA ZAMONAVIY TENDENSIYALAR”

ЯНГИЛАНГАН МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ, УНИНГ АСОСИЙ ТАВСИЯЛАРИ, КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАРНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ

МАМАДЖАНОВ АБРОРАЛИ АШИРАЛИЕВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
abrorali.mamadjanov@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада Янгиланган “Миллий ҳисоблар тизими 2025”, ундаги асосий тавсиялар, ундаги терминларнинг қўлланилиши, киритилган ўзгартиришлар ва уларнинг йўналишлари, ҳисоблардаги ўзгаришлар, қўшилаётган бўлимлар, уларнинг мазмун моҳияти ёритиб берилган.

Калит сўзлар: миллий ҳисоблар тизими, асосий капитал, рақамлаштириш, глобаллашув, ҳисоблар, молия, тўлов тизимлари, норасмий иқтисодиёт.

Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) ҳар бир мамлакат иқтисодиётини тизимли ва стандартлаштирилган ҳолда баҳолаш ва таҳлил қилиш учун услубий асос ҳисобланади. Сифатли иқтисодий таҳлил ва иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш учун сифатли маълумотлар талаб этилади. Иқтисодий статистика ўзгариб бораётган дунё билан ҳамоҳанг бўлиши керак. Дунёда технологияларнинг ривожланиши, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, янги муносабат ва улар натижасида юзага келаётган операциялар МҲТни янгилашни талаб этади. Шу муносабат билан, МҲТга маълум бир даврда ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиб янгилаб борилади.

2025 йилда янгиланган МҲТ қўлланмаси глобал иқтисодий ўзгаришлар, рақамлаштириш, барқарор ривожланиш ва фаровонлик каби янги йўналишларни инобатга олган ҳолда такомиллаштирилиб қайта нашр қилинди.

Янгиланган “МҲТ–2025” қўлланмаси бевосида “МҲТ–2008”ва “Тўлов баланси ва халқаро инвестицион ҳолат, 6-нашр” қўлланмаларидаги тавсияларни замон талабларига мувофиқ такомиллаштирилган ҳолда ишлаб чиқилган.

Янгиланган қўлланмада ҳисоблар кетма-кетлигига таъсир қилувчи ўзгаришлар, аниқлаштирилган ва янги қўшилган бўлимлар мавжуд. Қўлланмада келтирилган тавсияларнинг ҳаммаси ҳам барча мамлакатларда амалиётга жорий этилмаслиги мумкин.

IQTISODIY STATISTIKA KAFEDRASI — toshkent davlat iqtisodiyot universiteti —

Published: 05.06.2026

Cite this article: Мамаджанов Аброрали Аширалиевич (2026). Янгиланган миллий ҳисоблар тизими, унинг асосий тавсиялари, киритилган ўзгартиришларнинг йўналишлари. Emro Science and Education, 2(2). https://doi.org/10.5281/zenodo.24320171

© 2026 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

МҲТни янгилаш жараёни миллий ҳисоблар бўйича идоралараро ишчи гуруҳ томонидан мувофиқлаштирилади, бу жараён Миллий ҳисоблар бўйича экспертлар маслаҳат гуруҳи кўмагида амалга оширилади.

МҲТни такомиллаштириш тадқиқотлар дастурини илгари суриш мақсадида 2018 йилда махсус ишчи гуруҳ ташкил этилди. Ушбу гуруҳга глобаллашув, рақамлаштириш, фаровонлик ва барқарорлик билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш усулларини ишлаб чиқиш, шунингдек, бу йўналишлардан ташқари қўшимча тадқиқот масалаларини ўрганиш вазифаси юклатилди.

МҲТни янгилаш бўйича тадқиқотлар дастури тасдиқланганидан сўнг, қуйидаги йўналишларда мақсадли ишчи гуруҳлар ташкил этилди:

Рақамлаштириш;

Фаровонлик ва барқарор ривожланиш;

Глобаллашув;

Коммуникациялар;

Молия ва тўлов тизимлари;

Норасмий иқтисодиёт;

Ислом молияси.

Шу билан бирга, тўлов балансини такомиллаштириш бўйича қуйидаги мақсадли ишчи гуруҳлар ташкил этилди:

Тўлов баланси;

Жорий ҳисоб;

Тўғридан-тўғри инвестициялар.

БМТ Статистика комиссиясининг 2023 йил март ойида бўлиб ўтган 54-сессиясида ишчи гуруҳлар томонидан таклиф этилган ўзгаришлар ҳамда миллий ҳисоблар бўйича экспертлар маслаҳат гуруҳининг олдинги йиғилишларида келишиб олинган ўзгартиришларни умумлаштирган ҳолда кўриб чиқилди ва маъқулланди. 2024 йил апрель ойида 55-сессияда қўлланмадаги асосий тавсиялар муҳокама қилинди ва йилнинг иккинчи ярмида миллий ҳисобларни тузиш бўйича янгиланган халқаро стандартларни ўз ичига олган ҳужжат глобал маслаҳатлашувлардан ўтказилди. Шундан сўнг у 2025 йил март ойида бўлиб ўтган БМТ Статистика комиссиясининг 56-сессиясида якуний тасдиқлаш учун тақдим этилди.

Янгиланган МҲТда қуйидаги йўналишларда ўзгаришлар амалга оширилди:

- терминлардаги ўзгаришлар;
- маълумотларнинг янги таснифлари;
- юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш;
- мавжуд услубиётлардаги ўзгартиришлар.

“МҲТ–2025”да келтирилган тавсиялар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

стандарт тавсиялар — бу МҲТнинг асосий тузилмасига кирувчи ва унинг якуний баланслаштирувчи кўрсаткичларига таъсир этувчи ўзгаришлар;

маълумот учун тавсиялар— бу қўшимча сифатида киритиладиган, махсус таҳлилий аҳамиятга эга бўлган қўшимча тавсиялар бўлиб, улар макроиқтисодий тизимдан олинадиган якуний ва баланслаштирувчи кўрсаткичларга таъсир кўрсатмайди.

қўшимча тавсиялар – стандарт тавсиялар доирасидан ташқарида бўлган ва иқтисодиётнинг муайян шароитлар, сиёсатчилар ва таҳлилчилар учун ҳамда ресурсларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган тавсиялар.

“МҲТ–2025”да бир қатор терминлар бухгалтерия ҳисоби теминларига мослаштирилган ва соддалаштирилган. Уларнинг айримлари қуйидаги жадвалга келтирилган.

1-жадвал

Миллий ҳисоблар терминларидаги ўзгаришлар

Миллий ҳисоблар тизими 2008	Миллий ҳисоблар тизими 2025
бирламчи даромад	ишлаб топилган даромад
бирламчи даромадар қолдиғи	ишлаб топилган даромадлар қолдиғи
ресурслар	тушум (даромадлар)
фойдаланиш	харажатлар
асосий капитал истеъмоли	амортизация
меҳнат ҳақи	ёлланма ходимлар учун ҳақ тўлаш
билвосита ўлчанадиган молиявий воситачилик хизматлари	ссудалар ва депозитлар бўйича билвосита молиявий хизматлар
доимий нархлар	реал ҳажм *(in volume terms)*
ўз уйида яшаш учун шартли ҳисобланган тўлов	уй эгасининг ўз уйидан фойдаланиш хизматлари
соф хатоликлар ва тузатишлар	статистик тафовут
савдо устамаси *(trade margin)*	тақсимот устамаси *(distribution margin)*

“МҲТ–2025”нинг ишлаб чиқилиши билан биргаликда “Тўлов баланси ва халқаро инвестицион ҳолат, 6-нашр”, “Пул-кредит ва молиявий статистикасини тузиш бўйича қўлланма” ҳамда “Давлат молия статистикаси” қўлланмаларига ҳам бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Шу билан бирга, “МҲТ–2025”да ҳисобларнинг номланишига ҳам ўзгартиришлар киритилган. Қуйидаги жадвалда ҳисоблар номларидаги ўзгартиришлар келтирилган.

“МҲТ–2025”да МҲТнинг олдинги нашрларида ёритилмаган “Рақамлаштириш ва сунъий интеллект”, “Молиявий инновациялар”, “Глобализация”, “Фаровонлик”, “Барқарорлик” каби бугунги кунда ҳисоби юритилиши талаб этилаётган мавзулар очиб берилди.

2-жадвал

“Миллий ҳисоблар тизимида ҳисоблар номларининг ўзгариши

Миллий ҳисоблар тизими 2008	Миллий ҳисоблар тизими 2025
Даромадларнинг тақсимланиш ҳисоби	ишлаб топилган даромадлар ҳисоби *(earned income account)*
Даромадларнинг шаклланиш ҳисоби	олинган даромадларнинг шаклланиш ҳисоби *(the generation of earned income account)*
Бирламчи даромадларнинг шаклланиш ҳисоби	ишлаб топилган даромадларнинг шаклланиш ҳисоби
Бошқа бирламчи даромадларнинг шаклланиш ҳисоби	Бошқа ишлаб топилган даромадларнинг шаклланиш ҳисоби
Даромадларнинг қайта тақсимланиш ҳисоби	трансферт даромадлар ҳисоби
Даромадларнинг иккиламчи тақсимланиш ҳисоби	Натурал шаклдаги трансфертлардан ташқари трансферт даромадлар ҳисоби
Натурал шаклдаги даромадларнинг қайта тақсимланиш ҳисоби	Натурал шаклдаги ижтимоий трансфертлар ҳисоби
тузатилган ихтиёрдаги даромадлардан фойдаланиш ҳисоби	натура шаклидаги ижтимоий трансфертларни ҳисобга олинган ихтиёрдаги даромадлардан фойдаланиш ҳисоби *(the use of disposable income adjusted for social transfers in kind account)*
Активлар ҳажмидаги бошқа ўзгаришлар ҳисоби	Активлар ва мажбуриятлар ҳажмидаги бошқа ўзгаришлар ҳисоби

“МҲТ–2008” эълон қилинганидан кейин маълумотлар ишлаб чиқариш кўплаб бизнес моделлари учун асосий омилга айланди. Шу билан бирга анъанавий корхоналарнинг аксарияти фойдани ошириш ёки харажатларни камайтириш мақсадида маълумотларнинг турли шаклларини ишлаб чиқармоқда.

IQTISODIY STATISTIKA KAFEDRASI — Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

Ушбу маълумотларнинг катта қисми бир йилдан ортиқ вақт давомида ишлаб чиқариш жараёнида қайта-қайта фойдаланилади, аммо ҳозирги вақтда маълумотлар базаларини асосий воситалар таркибига киритилмайди.

“МҲТ–2008” таснифи ва тавсияларига кўра маълумотлар базалари ва сунъий интеллект ҳисобларда етарлича акс эттирилмайди. Бу эса макроиқтисодий кўрсаткичлар, балансlар ва самадорликни тўғри баҳоланишига салбий таъсир кўрсатади.

Янгиланган МҲТда иқтисодиётга рақамлаштириш таъсирини баҳолашни назарда тутувчи қуйидаги тавсиялар киритилган:

Маълумотлар ва маълумотлар базаларини ишлаб чиқарилган актив сифатида ҳисобга олиш;

криптоактивларни ҳисобга олиш;

финтех билан боғлиқ фаолиятни аниқ таснифлаш;

рақамли иқтисодиётни талаб ва таклиф асосида баҳолаш;

мамлакатга рақамли транзакциялар, маҳсулотлар ва тармоқлар каби кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш.

Бу электрон тижорат, рақамли маҳсулот, рақамли воситачилик платформалари, ахборот, алоқа ва технологияларга харажатлар, сунъий интеллект ва булутли технологияларни ўз ичига олади.

Маълумот бу ҳодисаларга кириш ва уларни кузатиш, шу ҳодисалар ҳақидаги ахборот элементларини рақамли форматда қайд этиш ва сақлаш орқали яратиладиган, ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланилганда иқтисодий фойда келтирадиган ахборотдир. Маълумотлар ишлаб чиқариш натижаси ҳисобланади, яъни миллий ҳисобларда капитал сифатида ҳисобга олинганда улар ишлаб чиқарилган актив сифатида ҳисобга олинади. Бунда, ишлаб чиқариш жараёнида бир йилдан ортиқ фойда келтирадиган маълумотлар актив ҳисобланади.

Маълумотлар интеллектуал мулк маҳсули сифатида “маълумотлар ва маълумотлар базалари” номли янги актив сифатида таснифланади.

Ҳозирги кунда Евростат ва ХВЖ экспертлари гуруҳи “Маълумотларни актив сифатида баҳолаш бўйича қўлланма” ва “Миллий ҳисобларда сунъий интеллект дастурий таъминотининг қийматини баҳолаш услубиёти”ни ишлаб чиқиш устида ишламоқдалар.

“МҲТ–2008”да маълумотлар базалари ишлаб чиқарилган активлар сифатида тан олинади, аммо уларнинг ахборот мазмунини баҳолаш назарда тутилмаган. “МҲТ–2025”да эса ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган электрон маълумотларнинг мазмунини ҳам ҳисобга олиш назарда тутилган.

Бунда маълумот қиймати “харажатлар йиғиндиси” усулида баҳоланади ва қуйидаги харажатларни ўз ичига олади:

-маълумотларни ишлаб чиқаришни режалаштириш, тайёрлаш ва ишлаб чиқиш харажатлари;

-кузатилувчи ҳодисалардаги ахборотни олиш, қайд этиш ва сақлаш билан боғлиқ харажатлар;

-маълумотлардан ахборот ва хулосалар чиқариш учун уларни лойиҳалаш, ташкил этиш, синовдан ўтказиш ва таҳлил қилиш харажатлари;

-асосий капитал истеъмоли.

Ушбу харажатларга ходимлар меҳнати, амортизация баҳоси ҳамда бозор ишлаб чиқарувчилари учун устама ҳам киритилади.

“Маълумотлар ва маълумотлар базалари” тоифаси - “маълумотлар” сифатида киритилади ва асосий фондлар (ишлаб чиқарилган номолиявий активлар) бўлимига қўшилади:

AN115 Intellectual property products

AN1153 Computer software, data and databases

AN11532 Data and databases

Бу ўзгариш ялпи ички маҳсулот / соф ички маҳсулот, миллий даромад, миллий жамғарма ва капиталнинг соф қийматига таъсир кўрсатади, аммо соф кредитлаш кўрсаткичларига таъсир қилмайди.

Ушбу ҳисоб-китоблар макроиқтисодий кўрсаткичларга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

Сунъий интеллект бу инсонга хос фикрлаш ва мулоқот қилиш қобилиятларини тақлид қилган ҳолда, эслаб қолиш, хулоса чиқариш, мулоқот қилиш ва башорат қилиш имкониятига эга дастурий тизимдир.

Интеллектуал мулк тадқиқотлар, ишланмалар ёки инновациялар натижасида билимлар ёки интеллектуал тизимлар яратилиши сифатида ифодаланади. Улар ишлаб чиқувчилар томонидан ишлаб чиқаришда қўлланилиши ёки тижорий мақсадларда фойдаланилиши мумкин, чунки билим ёки тизимдан фойдаланиш ҳуқуқий ёки бошқа ҳимоя воситалари билан чекланган бўлади.

Активлар таснифида сунъий интеллектни аниқ акс эттириш учун “Дастурий таъминот” бўлимига “шу жумладан” сунъий интеллект банди киритилган:

AN11531 Computer software, including artificial intelligence systems;

AN11531ow1 Artificial intelligence.

Истеъмол қилиниши ишлаб чиқариш харажатлари таркибида асосий капитал истеъмоли билан бир қаторда ҳисобга олинади ва соф ички маҳсулот ҳамда бошқа соф кўрсаткичларни ҳисоблашда инобатга олинади.

Бу ўзгариш соф ички маҳсулот, соф миллий даромад ва соф жамғармалар ҳажмига таъсир кўрсатади, аммо соф кредитлаш ёки капиталнинг соф қийматига таъсир қилмайди.

Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган капиталдан олинадиган соф даромад нобозор ишлаб чиқарувчилар, масалан, давлат бошқаруви органлари учун маҳсулот қиймати таркибига киритилади.

Бу ўзгариш ялпи ички маҳсулот, миллий даромадга таъсир қилади ва агар асосий фондлар ўз эҳтиёжи учун ишлаб чиқарилса, жамғармалар ҳамда капиталнинг соф қийматига ҳам таъсир кўрсатади, аммо соф кредитлаш таъсир қилмайди.

Малия тизимини рақамлаштириш “МҲТ–2025”да алоҳида ажратиб кўрсатилган ва қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Рақамлаштириш туфайли юзага келган янги молиявий хизматлар ва тўлов усуллари:
   - молиявий воситачилик платформалари;
   - Криптовалюта биржалари;
   - рақамли суғурта хизматлари;
   - рақамли банк платформалари;
   - электрон пул эмитентлари.
2. Молиявий рақамли воситачилик платформалари:
   - маблағ етказиб берувчилар ва маблағдан фойдаланувчилар ўртасида мосликни топиш ва молиявий операцияларни амалга оширишга кўмаклашиш хизматлари;
   - Улар томонидан олинадига комиссия молиявий хизмат сифатида таснифланади.
3. Рақамли активлар:
   - криптографик ҳимояланган тақсимланган реестрда ёзилган ёки шунга ўхшаш технология асосида яратилган қийматнинг рақамли шакли;
   - марказий банкнинг рақамли валюталари;
   - тегишли мажбуриятга эга криптоактивлар (молиявий активлар);
   - тегишли мажбуриятга эга бўлмаган криптоактивлар (ишлаб чиқарилмаган номолиявий активлар).
   - криптоактивлар бўйича транзакцияларни тасдиқлаш.

Рақамли иқтисодиёт МҲТнинг олдинги қўлланмаларида ахборот коммуникация технологиялари фаолият турининг қўшилган қиймати ва электрон тижорат сифатида баҳоланган бўлса “МҲТ–2025”да батафсилроқ баҳолаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Жумладан:

- интеллектуал мулк маҳсули сифатида бир қатор активлар тоифалари иқтисодий ҳисоблар тизимида батафсил таснифланади;

- рақамли ресурслар ва улардан фойдаланиш кенгайтирилган жадваллари тавсия этилади (бунда Facebook, Instagram, TikTok каби бепул хизматларни ҳисобга олиш назарда тутилади)

- финтех соҳасидаги молиявий корпорациялар қуйи секторларини қўшимча моддалар сифатида янада батафсил ажратиш тавсия этилади.

Бугунги кунда иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқаришнинг экологияга таъсири таҳлил қилинади. Ривожланган давлатлар иқтисодиётга кўп чиқинди чиқарувчи ишлаб чиқаришларни ўз мамлакатларидан чиқармоқдалар. Мамлакатда фақат экологик тоза ишлаб чиқаришларнигина сақлаб қолмоқдалар. Шунинг учун бугунги кунда экология ҳисоби муҳим аҳамиятга эга. “МҲТ–2025”да экология ҳисобларига ҳам бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:

- ресурсларнинг камайишини ишлаб чиқариш харажатлари сифатида ҳисобга олиш;

- табиий капитални алоҳида категория сифатида киритиш (у ишлаб чиқарилган ва ишлаб чиқарилмаган активларни ўз ичига олади);

- чиқиндиларни алоҳида таснифлаш;

- табиий ресурсларни баҳолашни янада такомиллаштириш.

Қайта тикланадиган энергия манбалари актив сифатида тан олинади. Бу ўзгариш капиталнинг соф қийматига таъсир кўрсатади, аммо бошқа асосий агрегатларга таъсир қилмайди. Табиий ресурсларга нисбатан “активларни ажратиш” *(asset splitting)* ёндашуви қўлланилади. Бунда иқтисодий фойда активнинг юридик эгаси ва оператор ўртасида тақсимланади. Бу ўзгариш миллий даражада ҳеч қандай асосий агрегатлар ҳажмига таъсир қилмайди, аммо тегишли активларнинг секторлар бўйича тақсимланишини ўзгартиради.

МҲТда глобализация ҳам муҳим маслардан бири ҳисобланади ва кўп йиллардан бери бу мавзу муҳокамалар марказида бўлиб келмоқда. Глобализация доирасида даромадларнинг шаклланиши ва тақсимланишини тўғри ифодалаш мақсадида солиқ-молиявий балансларининг халқаро қиёсийлигини ошириш мақсадида корпорациялар қуйидаги стандарт таснифга ажратилди:

- хорижий компаниялар;
- давлат корхоналари;
- миллий хусусий компаниялар;
- маҳаллий мултинационал корхоналар.

Шунингдек, бундай компаниялар кенг тарқалган мамлакатларда улар бўйича кенгайтирилган ресурслар ва ишлатилиш жадваллари тузиш тавсия этилди.

МҲТнинг янги қўшилган бўлимларидан яна бири бу фаровонликни ҳисобга олишдир. Фаровонлик ҳисоби истеъмол, жамғарма ва бойликнинг уй

хўжаликлари ўртасида тақсимланишини янада мукаммал таҳлил қилиш учун зарур бўлиб, қуйдагиларни ўз ичига олади:

- Уй хўжаликларини даромад ва бойлик децилларини бўйича стандарт таснифлаш;
- Ишчи кучи ҳисобини янада батафсил юритиш;
- уй хўжалиги таркиби, асосий даромад манбаи каби уй хўжаликларининг бошқа таснифлари;
- ҳақ тўланмайдиган уй ишлари ҳисоби
- таълим ва инсон капитали ҳисоби
- соғлиқни сақлаш ҳисоби.

“МҲТ–2025”да моддий фаровонлик билан боғлиқ масалаларга кўпроқ эътибор қаратилган. Шу муносабат билан уй хўжаликлари бўйича даромад, истеъмол, жамғарма ва мулкка оид маълумотларни гуруҳлар кесимида тақсимланган ҳолда тақдим этиш жуда муҳим ҳисобланади.

Шу тарзда, ихтиёрдаги даромад, истеъмол, жамғарма ва бойлик кўрсаткичлари даромад ва бойлик бўйича децил гуруҳларига ажратилган ҳолда стандарт кўринишда берилади. Имконият бўлса, энг юқори 5% ва 1% уй хўжаликлари бўйича натижалар ҳам алоҳида кўрсатилади.

Қўшимча тавсия сифатида даромаднинг асосий манбалари, уй хўжалиги тури, турар-жой мақоми ва шахснинг ёши бўйича альтернатив гуруҳлаштиришларни ҳам шакллантириш тавсия этилади.

МҲТда молия соҳасидаги ўзгаришлар, инновацияларни ҳисобга олиш вазифаси ҳам муҳим. Сўнгги йилларда кўплаб молиявий корпорациялар катта аҳамият касб этмоқда, бу ҳам ўсиш, ҳам диверсификацияни ўз ичига олади. Банк тизимидан ташқари инвестиция фондлари, суғурта компаниялари, пенсия фондлари, қимматли қоғозлар ва ҳосилавий молиявий инструментлар дилерлари, марказий клиринг контрагентлари каби воситачилар кўпайиши уларни ҳисобга олишни мураккаблаштирди ва миллий ҳисоблардан бу йўналишда янгиланишни талаб қилди.

Уларни давлат (жамоат) молиявий корпорациялари, миллий хусусий молиявий корпорациялар, хорижий назорат остидаги молиявий корпорацияларга ажратиб ўрганиш тавсия этилмоқда.

Марказий банкнинг барча маҳсулоти нобозор хизматлар деб қаралади ва унинг ўзи томонидан истеъмол қилинади. Молиявий корпорациялар томонидан тартибга солиш (регулятив) хизматлари учун амалга ошириладиган тўловлар энди хизматлар учун тўлов эмас, балки жорий трансфертлар сифатида ҳисобга олинади.

Бу ўзгариш молиявий корпорацияларнинг қўшилган қийматини оширади ва шу билан бирга ялпи ички маҳсулот ҳамда миллий даромад

ҳажмига таъсир кўрсатади, аммо миллий жамғармалар, соф кредитлаш қийматига таъсир қилмайди.

Номолиявий активларни баҳолашда жорий операцион қиймат сифатида келгуси капитал хизматларининг келтирилган қиймати тушунчасидан фойдаланиш тавсия этилади.

Бу қийматни аксарият асосий фондлар учун узлуксиз инвентаризация усули ёрдамида, ишлаб чиқарилмаган табиий ресурслар учун эса келгуси ресурс рентасининг келтирилган қиймати орқали тахминан аниқлаш мумкин. Хусусан, минерал ва энергетик ресурсларни баҳолаш бўйича янада батафсил тавсиялар берилади.

Харажатлар йиғиндиси усулини қўллашда айрим таркибий қисмларни баҳолаш бўйича қўшимча аниқликлар киритилган:

- нокорпоратив корхоналарда мулкдорлар ва оила аъзоларининг меҳнат харажатлари;
- ҳисобга киритиладиган капитал хизматлари ҳажми;
- ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган капиталдан соф даромадни баҳолашда қўлланиладиган ставка;
- ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган капитал учун тўланиши лозим бўлган рентани ҳисобга олинади.

“МҲТ–2025” доирасида айрим операцияларни баҳолашнинг муқобил методологиялари ҳақида янада батафсил маълумотлар келтирилган. Ҳақ тўланмайдиган уй меҳнати ва инсон капитали ҳисоби шулар жумласидандир.

“МҲТ–2025”да бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан ўзаро боғлиқлик янада батафсил кўриб чиқилган, хусусан иқтисодий операциялар ва захираларни баҳолаш масалаларида бу яққол кўринади.

“МҲТ–2025”нинг 26-бобида ислом молиясида қўлланиладиган асосий молиявий инструментлар, ушбу соҳада фаолият юритувчи асосий иқтисодий субъектлар ҳамда иқтисодий мулкчилик концепциясини ислом молиясига татбиқ этиш бўйича тавсиялар баён этилган.

Шунингдек, норасмий иқтисодиётга бағишланган 39-боб Халқаро меҳнат статистикаси конференциясида қабул қилинган сўнгги резолюцияларга мувофиқ равишда янгиланган.

“МҲТ–2025”да соф асосида ҳисобланадиган кўрсаткичларга кўпроқ эътибор қаратилган.

Хусусан, соф ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши иқтисодий ўсишни концептуал жиҳатдан афзал кўрсаткич сифатида белгиланади. У ялпи ички маҳсулот ўсиш суръати кўрсаткичи ўрнига эмас, балки у билан бирга қўлланилиши тавсия этилади.

Соф ички маҳсулот ялпи ички маҳсулотдан асосий капиталнинг эскириши (амортизация) ва табиий ресурсларнинг истеъмолини чегириб ташлаш орқали аниқланади.

Адабиётлар рўйхати

1. Қонун (2021) Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика” тўғрисидаги Қонуни, 01.08.2021 й. ЎРҚ-707-сон, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.08.2021 й., 03/21/707/0780-сон.
2. Европейская комиссия, Международный валютный фонд, Организация экономического сотрудничества и развития, Организация Объединенных Наций и Всемирный банк (2012), “Система национальных счетов 2008”.
3. Международная организация труда (2021), Руководство по измерению волонтерской работы.
4. Бегалов Б., Мамаджанов А. «Координация системы национальных счетов Узбекистана с международными методологиями», №1 (15) 2023 г., statmirror.uz.
5. Мамаджанов А. (2024) “Кузатилмайдиган иқтисодиётни баҳолаш мезонлари”, Янги Ўзбекистон газетаси, 24 апрель, 78-сон.
6. Мамаджанов А. (2025) Миллий ҳисоблар тизимида уй хизматларини кўрсатиш бўйича ҳақ тўланмайдиган меҳнат фаолияти ҳисоб-китоблари, www.sci-p.uz, 2025 йил, 2-сон.
7. E/2025/xx-E/CN.3/2025/xx, decision 56/101
8. www.databank.worldbank.org/source.
9. www.imf.org
10. www.cisstat.org
11. www.stat.uz.

IQTISODIY STATISTIKA KAFEDRASI — Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti —